O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 1 (11.804) 2006 йил 4 январь, чоршанба

Эркин нархда сотилади

**«Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади».**

**Ислом КАРИМОВ.**

*2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

## БАРАКАСИ СИЗУ БИЗГА БОҒЛИҚ

**Мана умр дафтарига яна бир белги қўйиб, янги умид, янги орзу, янги режаларни йўргаклаб, 2006 йил ҳам кириб келди. Унинг илк дақиқалариданоқ одамлар бир-бирига фақат эзгулик, яхшилик тилади, ширин-ширин орзулар, улкан-улкан режалар кўнгилга тугилди.**

Ҳомийлар ва шифокорлар йили сермаҳсул бўлишига ишончи қатъий юртдошларимизнинг бугун қадамлари шахдам. Хусусан, вилоятимизда амалга ошириладиган ислоҳотлар жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, «...Мамлакатимиздаги энг йирик, номи нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам машҳур корхоналар Тошкент вилоятида мавжуд. Уларда меҳнат қилаётган минглаб ишчи, муҳандис ва мутахассислар ўзининг ноёб малака ва тажрибаси билан ажралиб туради».

Ҳақиқатан ҳам 102 та йирик корхона фаолият кўрсатаётган вилоятимиз саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республикада биринчи ўринда туради. Ўтган 2005 йилда 140150,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 1507841,7 миллион сўм, яъни ўсиш суръати 105,8 фоизга етказилиши кутилмоқда. Бу борада «Ўзбекистон металлургия» комбинати, «Олмалиқ конметаллургия», «Ўзбеккўмир», «Электркимёсаноат», «Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик саноат корхоналарининг ҳиссаси салмоқли ва уларда ўсиш суръатлари режадагидан юқори бўлиши аниқ.

Шу ўринда Бекобод шаҳридаги «Ўзбекистон металлургия комбинати»да қурилиш учун зарур бўладиган 13 сантиметрли швеллер ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги, 2006 йилдан бошлаб, уни четдан олиб келишга ҳожат қолмаслигини айтиб ўтиш жоиз.

Иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида икки томонлама манфаатли алоқаларни янада кенгроқ йўлга қўйиш 2006 йилнинг асосий хусусиятларидан биридир. Япония, Корея, Россия каби иқтисодий ривожланган

(Давоми 2-бетда).

**Янгийўл шаҳридаги «Росси» Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонаси цехларида тайёрланаётган ширинликлар ҳар бир оила дастурхонини безамоқда. Бу ерда тайёрланган турли қандолат маҳсулотлари сифат жиҳатидан энг юксак андозаларга ҳам тўла жавоб бераяпти.**

## «РОССИ»ДА ИШ ҚИЗҒИН





Жамоа 2005 йилда ҳам самарали ишлади. Маҳсулот ҳажми ва турлари кўпайди. Ҳозирги вақтда 100 нафар ишчи қўлидан чиқаётган 50 хилдан ортиқ турли ширинликлар савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

***СУРАТЛАРДА:** корхонанинг илғор қандолатчилари Зуҳра Маҳаматиллаева ҳамда Сайёра Қурбонова иш устида.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

*Ер эгаси эртага ким бўлади?*

## ТАЛАБГОР КЎП, МАҚСАД ЯГОНА

**Вақтни олий ҳакам, дейишади. Чиндан ҳам ўтаётган ҳар кун, ҳар лаҳза ҳамма нарсанинг пировард натижасини ошкор этади, баҳосини беради. Шу жумладан, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ҳам бўй кўрсатмоқда, бугунги долзарб жараёнлар эса, эртага аграр тармоқда бунданда юксак марраларнинг забт этилишига хизмат қилиши аниқ.**

Биз катта мақсад ва режалар, эзгу орзу-умидларни дилга тугиб, Янги йилни ҳам кутиб олдик. Эртанги кунининг янада фаровон, бекаму-кўст бўлишини истаётган оддий қишлоқ кишиларидан тортиб, бутун жамоатчиликни «Ер эгаси эртага ким бўлади?» деган савол бефарқ қолдирмаётгани табиий. Айни вақтда муҳим босқичга кўтарилган тендер танловлари якунлангач, янги йилда ҳақиқий заминдорлар, замонамизнинг истиқболли мулкдорлари сони янада ортади, улар ерга, мулкка эгалик ҳисси билан енг шимариб ишга киришадилар.

Қувонарли томони, фермерлик ҳаракати ўзини ҳар томонлама оқлаётгани, ундан эл-юрт, жамият наф кўраётганини бугун барча тушуниб етди. Бинобарин, фермер хўжаликлари фаолияти билан яқиндан танишган киши бунга яна бир бор амин бўлиши шубҳасиз.

Янгийўл туманидаги «Ал-Абдухолиқ» фермер хўжалиги ҳам 2004 йилда тугатилган ширкат хўжалиги негизида ташкил этилган. Ўша вақтда тумандаги «Озод» ширкати иқтисодий инқирозга учраб, сурункасига зарар кўриб келаётган хўжаликлардан бирига айланиб қолганди. Охир-оқибат у тарқатилиб, ерлари қонуний тендер танловларига қўйилди. Фермер хўжалиги тузиш мақсадида даъво аризаси билан танловда иштирок этган талабгор Абдухолиқ Мирзаев тендерда ғолиб чиқиб, 37,8 гектарлик суғориладиган контурга эга чиқди.

— Хўжалик тарқатилаётган вақтда ғаллачиликда ҳам, пахтачиликда ҳам ҳосилдорлик жуда пастлашиб кетганди, — дейди Абдухолиқ Мирзаев. — Ваҳоланки, ерга ва меҳнатга алоҳида меҳр билан ёндошилса, агротехник тадбирлар вақтида, талаб даражасида олиб борилса, деҳқонлар меҳнати ҳам ўз ўрнида рағбатлантириб турилса, айнан шу заминда ҳам салмоқли натижаларга эришиш мумкинлигига ишонардик. Ерларга қонуний эга чиқиб, мулкдор бўлгач, ўз фаолиятимизда бунга эришдик ҳам.

Дарҳақиқат, фермер якунланган йилда контрактация шартномаларини ғаллачилик бўйича 111, пахтачилик бўйича 138 фоиз қилиб уддалашга эришди. Шу тупроқ шароитида ҳосилдорлик ғалладан қарийб 50, пахтадан 32 центнерга олиб чиқилди. Рентабеллик даражасида ҳам йилма-йил ўсиш кузатилаётганига эътибор берилса, бошланган йилда натижалар бундан ҳам салмоқли бўлиши тайин.

Ўз меҳнатидан ғурур туйиш, қониқиш ҳосил қилиш катта бахт. Айни ҳол фермернинг ўзига бўлган ишончини оширди, янада юқори имкониятларга эга бўлиш иштиёқини кучайтирди. У катта мақсадлар остонасида турибди.

Аниқроғи, 2006 йилда тумандаги яна уч ширкат хўжалиги тугатилиб, улар заминида янги фермер хўжаликлари ташкил топиши маълум қилинди. Абдухолиқ Мирзаев ўз хўжалиги экин майдонини кенгайтириш мақсадида, тасарруфидаги ерларга ёндош бўлган Х. Турсунқулов номли ширкат хўжалигининг 10-контурига талабгор бўлиб, тендер комиссиясига ариза билан мурожаат этди. Агар у танловда ғолиб чиқадиган бўлса, хўжаликнинг ер майдони яна 44 гектарга кенгаяди. Унинг ихтиёрида керакли техника воситалари, экинга ишлов берувчи тиркама ускуналар бор.

Нима бўлганда ҳам, танловларнинг қонунийлик асосида, адолат ва ҳалоллик билан, ошкора ва холис ўтишига умид боғлаётганлар кўп. Бу метин тамойилларга тўла амал қилинсагина, эртага чинакам ер эгалари аниқланади ва энг муҳими, бемисл бойлигимиз бўлмиш она заминимиз тақдири муносиб қўлларга ўтиши таъминланади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

**Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодиёт ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Танловдан мақсад биринчи, иккинчи, учинчи босқич ўқувчилари орасидан билимли, чаққон, зукко, қувноқ талабаларни танлаб олиш ва уларни шаҳар ва республика миқёсида бўлиб ўтадиган шу каби тадбирларга жалб этишдир.

Беллашувдан таништириш, саломлашиш, мусиқий саҳна кўриниши ҳамда эркин мавзу каби шартлар ўрин олди. Тўрт босқич бўйича фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган гуруҳлар аниқланди. Молия йўналишида таҳсил олаётган биринчи гуруҳ ўқувчилари танлов ғолиби бўлишди.

Банк иши мутахассислиги бўйича ўқиётган тўртинчи гуруҳ ўқувчилари иккинчи, 12-гуруҳ ўқувчилари эса, учинчи ўринни эгалладилар.

**Самад ЕРАЛИЕВ.**

*Йил сарҳисоби*

**Ўзбек халқи пули кўпайса иморат қуради, истиқомат жойини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланади, деб бежиз айтилмаган. Узоқ замонлардан бери халқимиз ўзи яшайдиган манзилнинг обод ва кўркам, саранжом-саришта бўлишига интилади. Шу туфайли вақт ўтиши билан кўплаб қишлоқлар, шаҳарлар пайдо бўлган.**

Халқимизга хос бунёдкорлик анъанаси мустақиллик йилларида янада кенг қулоч ёйди, янги мазмун ва моҳият билан бойиди. Мамлакатимизда давлат йўли билан халқни ижтимоий муҳофаза қилишда амалга оширилаётган режаларда у марказий ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим-тарбияни ривожлантириш қатори ободонлаштириш ишларига ҳам бюджетдан катта ҳажмда маблағлар ажратилаяпти. Бу ишда ҳомийларнинг иштирок этиши эса нур устига аъло нур бўлмоқда. Турли-туман янги бинолар, маҳалла гузарлари, тиббиёт ва таълим-тарбия муассасалари қад кўтармоқда, кенг кўчалар пайдо бўлаяпти.

Кейинги йилларда вилоят шаҳарлари ва туманларида кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўмлик сармоя сарфланди. Биргина ўтган йилда қатор таълим-тарбия муассасалари бунёд этилиб, ишга туширилди. Бешта янги мактаб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, қирққа яқин умумтаълим муассасалари мукаммал қайта қурилди, салкам элликта мактаб тўла ва жорий таъмирланди. Бекобод, Янгийўл ва Ангрен шаҳарлари ҳамда Бўка, Чиноз, Тошкент туманлари марказларида олиб борилаётган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари туфайли уларнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда.

## БУНЁДКОР ҚЎЛЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида ҳам ижобий силжишлар юз берди. Жумладан, 385 километрдан зиёд узунликда табиий газ тармоқлари қурилиб, минглаб оилалар қулай шароитларга эга бўлдилар. Шу даврда 130 километр атрофида ичимлик сув тармоқлари бунёд этилди. Вилоятнинг уй-жой фондини янада бойитишга эришилди. 380 минг квадрат метрдан ортиқ уйлар қурилди. Унинг асосий қисмини меҳнаткашлар ўз жамғармалари ҳисобига барпо этдилар.

Вилоятимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш соҳасида ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. Шаҳар ва туманларда 314 мингдан ортиқ абонент рақамига эга бўлган телефон станцияларининг ишга туширилиши алоқа соҳасида катта ижобий силжиш бўлди. Эндиликда фуқаролар фақат республикамиз ичида эмас, ҳатто, қатор чет эллардаги абонентлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишлари мумкин.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳаси янада тараққий этди. Еттита қишлоқ тиббиёт пункти ва кўплаб соғлиқни сақлаш иншоотлари таъмирдан чиқарилди.

Чирчиқ шаҳрида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига ҳозирлик кўриш жараёнида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигини қайд этиш ўринлидир. Шаҳардаги Олимпия захиралари коллежида 13,5 минг кишига мўлжалланган стадион, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, 3 минг томошабин сиғадиган спорт мажмуаси қурилди. Айни вақтда, шу воқеа муносабати билан Тошкент-Чирчиқ йўналишида 17 километр узунликдаги автомобиль йўли мукаммал таъмирдан чиқарилди, Чирчиқ дарёси устидан ўтадиган 234 метр узунликдаги кўприк қуриб битказилди.

Мамлакатимизда барпо этилган ва қурилаётган гузарлар сонини санаб тугатиш қийин. Ўтган йили ҳам шаҳарлар ва қишлоқларда кўплаб шундай масканлар пайдо бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, маҳаллалар ҳуснига ҳусн қўшаётган гузарларнинг деярли ҳаммаси халқимизнинг анъанавий меъморчилиги асосида замонавий кўринишда қад кўтармоқда. Улар асосан яна бир қадимий ва ажойиб анъанамиз — ҳашар йўли билан қурилмоқда.

Спорт иншоотлари қурилишига ҳам эътибор йил сайин кучайиб бормоқда. Уларнинг сони тўрт ярим мингга яқинлашиб қолди. Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Қуйичирчиқ, Тошкент туманлари, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарларида барпо этилган спорт иншоотлари ёшларнинг севимли масканларига айланаяпти. Бундан ташқари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида янги-янги савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, автобекатлар ишга туширилди.

Якунланган йил вилоятимизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, халқ фаровонлигини ошириш юзасидан тинимсиз олиб борилаётган ишларда ўзига яраша босқич бўлди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга хизмат қиладиган бундай иншоотлар қурилиши Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам янада авж олади, деб ишонч билан айтиш мумкин. Зеро, бу давлатимиз раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида турган долзарб вазифадир.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

## ОМАДЛИ БЎЛДИ

**Ўтган Сиҳат-саломатлик йили Юқоричирчиқ тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ёш спортчилари учун омадли кечди.**

Жумладан, Тошкент шаҳрида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган республика кубоги мусобақаларида ушбу мактаб спортчиларидан Рустам Алпанов (62 кг.) ва Искандар Мўминбеков (94 кг.) иккитадан олтин, Василий Хан (69 кг.) олтин ва кумуш, Евгений Ли (56 кг.) бронза медалларини қўлга киритишди. Уларнинг бундай муваффақиятга эришишларида спорт усталари Михаил Ли, Леонид Кимнинг хизматлари катта бўлди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА

**«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг асосий филиали ҳисобланган Ангрен кўмир конида замонавий техника воситалари билан қуроллантиришнинг 1998-2007 йилларга мўлжалланган Давлат дастури муваффақиятли амалга оширилиши унумдорликка замин яратмоқда.**

Якунланган йилда конда 2 миллиард тоннадан зиёд кўмир қазиб олиниб, топшириқ 108 фоиз адо этилди. Бу режадагидан 2581298 тонна кўп демакдир.

Корхонада Янги йил байрами муносабати билан ўтказилган тадбирнинг азиз меҳмонлари жамоада кўп йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар ва бугунги меҳнат илғорлари бўлдилар. Уларга бошқарув кенгаши ҳамда касаба уюшмалари бирлашмаси томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

**Кириб келган Янги — 2006 йил Янгийўл шаҳрининг Гатауллин кўчасидаги 63-хонадонда истиқомат қилувчи Ортиғалиевлар оиласига қўшалоқ шодлик улашди.**

## ҚЎШ ШОДИЁНА

Оила аъзолари дунёга келган ўғил фарзандни ҳуррам кутиб олишди ва яхши ният билан унга Абдулазиз деб исм қўйишди.

— Аввалига Янги йил базмини оила аъзоларим билан кута олмаслигим бироз кайфиятимни туширди. Лекин, мана бугун бахтли онаман. Иккинчи фарзандим айнан Янги йил кечасида дунёга келди. Бу оиламиз учун чинакам қувончли кун бўлди, — дейди Шаҳноза Ортиғалиева.

**Мўмин ИБОДОВ.**

## НАЗАРБЕК АҲОЛИСИГА ТУҲФА

**Ҳомийлар ва шифокорлар йили арафасида Зангиота туманидаги Назарбек қишлоғидаги шифокорлик амбулаторияси туман ҳокимлиги ва ҳомийлар кўмагида капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.**

Муассасанинг очилиш маросимида вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходимлари иштирок этишди.

Икки қаватли шифохона биносининг ташқи ва ички кўринишлари замонавий андозалар асосида қайта тикланган бўлиб, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, жарроҳлик, лаборатория, амбулатория бўлимлари мукаммал таъмирдан чиқарилган.

Унда 14 нафар шифокор, 35 нафар кичик тиббиёт ходимлари хизмат қилишади. Эндиликда шифохонага Жаҳон банкининг 40 миллион сўм миқдоридаги тиббиёт анжомлари келтирилиши кутилмоқда. Бу мажмуа 24 минг аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқ аҳли учун катта туҳфа бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

# МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

## ЮРТИМИЗДА ОРИГАМА САНЪАТИ

**Тошкентдаги инсон захираларини ривожлантириш ўзбек-япон марказида оригама (қоғоздан ҳар хил фигуралар ясаш) бўйича танлов бўлиб ўтди.**

У Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), NEC, Mitsui, Marubeni компанияларининг юртимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида уюштирилди.

Танловда марказ томонидан ташкил этилган курс иштирокчилари қатнашди. Унда катталар қатори болалар ҳам ўзларининг оригама санъати бўйича эгаллаган маҳоратларини намойиш этишди. Танлов уч босқичда ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**«Туркистон-пресс».**

## ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ

**Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ҳайъат йиғилишида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларнинг соғлом, баркамол вояга етиши, мукаммал таълим ва тарбия олиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун барча шароитлар яратилгани қайд этилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Ёшлар онгида она-Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ўзлигимизга, тарихимиз ва қадриятларимизга ҳурмат, фидойилик туйғуларини шакллантиришда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанининг аҳамияти ғоят катта. Ушбу фанни ўқитишни янада самарали ташкил этиш, янгича дарс услублари ва илғор педагогик технологиялардан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

**ЎзА.**

**Шоир Сергей Есенин таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказилган илмий-амалий конференцияда санъатшунос Сергей Зининнинг "С.А. Есенин ва замонавийлик " деб номланган китобининг тақдимоти бўлди.**

## ШОИР ҲАҚИДА ЯНГИ КИТОБ

– Умид қиламанки, Сергей Есенин ҳақидаги китобим шоир ижодининг мухлисларига манзур бўлади, – деди китоб муаллифи. – Шоир ҳақида ёзиш фикри шу йил Москвадаги марказий архивда, унинг Тошкентдан синглисига юборган хати билан танишган чоғимда пайдо бўлди. Мактубда ўша пайтдаги Тошкент ва тошкентликлар ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

Муаллифнинг фикрича, бу китоб ўзбек ўқувчиларини истеъдодли рус шоирининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради.

**«Туркистон-пресс».**

## ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон-Корея Республикаси мусиқаси дўстлик фестивали бўлиб ўтди. Ушбу анъанавий санъат анжумани Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси томонидан ташкил этилди.**

Уч кун давом этган мусиқа фестивалида Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, пойтахтимиздаги кўпгина ўрта махсус мусиқа билим даргоҳларида ўзбек ва корейс бастакорларининг турли жанрлардаги янги асарлари ижро этилди. Талаба ёшлар учун мусиқашунослар, созандалар иштирокида давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар уюштирилди.

**ЎзА.**

***2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили***

**Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашининг 2005 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Унда вилоят, шаҳар ва туман спорт жамиятлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг 2005 йилги фаолияти натижалари таҳлил этилди. Шунингдек, 2006 йил режалари юзасидан қатор вазифалар белгилаб олинди. Яхши натижаларга эришган спортчи ва мураббийлар вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Шу куни кенгашда Сиҳат-саломатлик йилининг якунлари ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили бошланаётганига бағишланган хайрли тадбир ўтказилди.

2005 йилда самарали меҳнат қилган бир гуруҳ агросаноат мажмуи ва энергетика ходимларидан 55 нафарига вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши сиҳатгоҳларга бепул йўлланма берди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

## БАРАКАСИ СИЗУ БИЗГА БОҒЛИҚ

мамлакатларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагида эканлиги халқаро майдонда республикамиз истиқболига бўлган катта ишончдан далолат.

Ўз навбатида, мана шундай алоқалар туфайли катта имкониятларга эга бўлган «Электркимёсаноат», «Чирчиққишмаш», «Оҳангароншифер», «Резинатехника», «Ангрен қурилиш материаллари комбинати» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Ўзметкомбинат», «Чиноз тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси каби саноат корхоналарида ишлаб чиқариш суръати 2006 йилда янада ўсиши кўзда тутилган. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш суръати 117,8 фоизга ўсиши кутилаётгани вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор вазифалари — бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хусусий тармоқни, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларга жиддий эътибор берилаётганлигини кўрсатади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган фермер хўжаликлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақидаги Президент қарори ижроси юзасидан тезкор тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги, мавжуд 50 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалиги ширкатлари тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилаётганлиги, ерни ҳақиқий эгаларига, асл деҳқонларга топширилаётганлиги кутилган натижа — 599753,7 миллион сўмлик даромадга эришиш имконини бериши табиий.

Ўз-ўзидан маълум, Сиҳат-саломатлик йилининг мантиқий давоми сифатида Ҳомийлар ва шифокорлар йилида асосий эътибор инсон омилига, унинг жисмоний ва маънавий соғломлигига қаратилади. Бу борада вилоятимизда амалга оширилаётган, бажарилиши лозим бўлган кўламли ишлар йил якунида албатта ўз натижасини беради, дея ишонч билан айта оламиз. Вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада жонлантириш, янги, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган муассасаларни барпо этиш учун имкониятлар етарли. Хуллас, жамият тараққиётини таъминловчи ҳар қандай соҳа — саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимларини ривожлантириш бўйича мўлжалланган мақсад ва режалар аниқ.



Шу эзгу мақсадда 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йилини кўтаринки руҳда кутиб олдик. Йилнинг нечоғлик баракали, қувончли ютуқларга бой бўлиши мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросига, вилоятимиз меҳнаткашларига, сизу бизга боғлиқдир.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ



**Янги йил арафасида Қуйичирчиқ туманидаги "Қўрғонча" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига газ қувури тортилиб, юзга яқин хонадонда "зангори олов" порлай бошлади.**

— Туманда ўн саккиз мингдан ортиқ истеъмолчига хизмат кўрсатамиз, — дейди "Қуйичирчиқтумангаз" филиали раҳбари Гулзот Қабулова. — Мазкур қишлоқда 70 миллион сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу борадаги ишлар тумандаги "Улуғбек" ширкат хўжалигида ҳам давом этяпти. Бу ерда 600 метр қувур тортилиб, газ тақсимлаш пункти қурилди. Ўттизга яқин хонадон газ билан таъминланди.

Жорий йилнинг қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Мавжуд 245 та газ тақсимлаш нуқталари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:** «зангори олов» ёқилмоқда.*

**Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

## ЭЪТИҚОД ВА МАСЪУЛИЯТ

**Вилоятимиз шаҳар ва туманларида Янги йил шукуҳи кезмоқда. Айниқса, болажонларнинг қувончлари чексиз. Улар Қорбобо ва Қорқизнинг совғаларини олиб, бир-бирларига кўз-кўз қилишмоқда. Шу ўринда ўзларининг хайрли ишлари билан халқ фаровонлиги, юрт ободлиги, тинчлик ва хотиржамлигимизга салмоқли ҳисса қўшаётганлар меҳнатини эслаб ўтиш ўринли. Қуйида ана шундай соҳалар мутасаддиларидан айримларининг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

### ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ

**Маҳмуджон АБДУНАЗАРОВ,**
**вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи**

— Юртбошимиз ташаббуслари билан 2006 йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилингани биз — маданият ва спорт ходимларига ҳам катта масъулият юклайди. Албатта, моддий ва маънавий қадриятларимизнинг гуллаб-яшнашида, жамиятимиздаги янгиланиш жараёнларининг тезлашувида ҳомийлар ва шифокорларнинг улуши катта. Соғлом, кўнгли тўқ инсон қўшиқ тинглайди, davраларда рақсга тушади, спорт билан шуғулланади, қилган меҳнатлари қадрини топади.

Жойларда байрам хушнудлик билан ўтаётганлиги ҳақидаги хушхабарларда ҳам яхши тилаклар, орзу-ниятлар, умидларга тўла режалар мужассам. «Янги йилим, яхши йилим», «Даврани кенгроқ олайлик», «Ёшлар карнаваллари», Янги йил сайллари сингари театрлаштирилган томошалар, турли спорт ўйинлари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда.

Янги йил ҳаммамизга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик ато қилсин. Биз эса, эл хизматига камарбаста бўлаверайлик!

### МАЪНАВИЯТ — ЕТАКЧИ КУЧ

**Суяркул ҚУРБОНҚУЛОВ,**
**«Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари**

— Эл-юрт, миллат ва халқлар тақдирида ҳар бир йил ўзига хос маъно, моҳият ва аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қараганда, 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили ҳам мамлакатимиз, хусусан, вилоятимиз тарихида муносиб из қолдирди.

Ёшларимиз онги ва тафаккурига меҳр-мурувват, саховат фазилатларини сингдириш борасидаги ҳаракатларимиз ўз натижаларини бермоқда. Зеро, комил инсон тарбиясига алоҳида эътибор муҳим. Маънавият ходимлари ҳам ана шундай инсоннинг шаклланишида етакчи кучга айланиши шарт.

Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида «Ҳақиқий раҳбар мана шу ер меники, мана шу юрт ўзимники, уни обод ва фаровон қилиш менинг нафақат вазифам, балки муқаддас бурчим, деган эътиқод билан яшаши ва ишлаши зарур» дея таъкидлаган сўзлари биз, маънавият ва маърифат ходимлари учун ҳам дастуриламал бўлиб қолади.

## САЛОМАТЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

**Ҳар бир йил ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос из қолдирмоқда. Кейинги йиллар давомида ҳукуматимиз томонидан аҳоли кенг қатламларининг ижтимоий-маънавий манфаатларини, шунингдек, соғлом авлодни тарбиялаш чора-тадбирларини қамраб олган махсус дастур амалга оширилмоқда. Хусусан, Сиҳат-саломатлик йилининг улкан вазифалари ҳам шу ишларга мантиқан узвий боғлиқ бўлди.**

2005 йилги дастур вазифалари давлат санитария-эпидемиология назорати ходимларига алоҳида масъулият юклади. Бу борада вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсидаги дастурлар асосида аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашда марказлашган иншоотлардан оқилона фойдаланиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилиши, ободонлаштириш ишлари, очиқ сув ҳавзалари, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи иншоотларнинг санитария ҳолати яхшиланиши устидан назорат ўрнатиш чора-тадбирларини кўрдик. Шунингдек, аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги таъминланиши устидан мониторинглар олиб борилди.

Ҳозирги кундаги асосий муаммоларимиздан бири — аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласидир. Вилоятдаги ичимлик суви тармоқларининг анча қисми санитария талабларига жавоб бермаслиги, муддати ўтиб кетганлигига қарамай, ҳамон улардан фойдаланилаётганлиги турли нохуш оқибатлар юзага келишига сабаб бўлаётгани сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорининг ижроси бўйича шаҳар, туман санитария-эпидемиология назорати марказлари тегишли тадбирларни амалга оширди. Ўтган йил мобайнида вилоятдаги ичимлик сув иншоотларида мониторинглар ўтказилди. Унда маиший водопроводлардан 8 минг 42 та намуна олиниб, бактериологик лабораторияда текширилди. Шундан 6,2 фоизи, яъни, 504 та таҳлил натижаларида талабга жавоб бермаслик ҳолатлари аниқланди. Улар юзасидан тегишли ташкилот раҳбарларига санитария талабномалари берилиб, ижроси доимий назоратга олинди.

2004 йилда вилоят ҳудудига ўта хавфли ва юқумли касалликлар кириб келишига қарши мажмуавий санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари ўтказилди.

Аҳоли ўртасида ўткир респераторли вирус инфекциялари, гепатит, овқатдан заҳарланишларнинг олдини олиш мақсадида корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда санитария-ташвиқот ишлари йўлга қўйилди.

Вилоят ҳудудига қўшни мамлакатлардан ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келишига йўл қўймаслик учун 14 та санитария назорат постлари ташкил этилди. Жумладан, ҳозир Бекобод шаҳри, Қибрай, Зангиота, Бекобод, Янгийўл туманларида биттадан, Тошкент туманида эса 8 та назорат постлари фаолият юритмоқда. Уларда 32 нафар шифокор навбатчилик қилиб, чет элдан кириб келган 23 минг 170 нафар автотранспорт воситаси дезинфекция қилинди. 170 мингга яқин шахс тиббий кўрикдан ўтказилди. 48 фуқаро эса, ўз юртларига қайтарилди.

Ана шу тажрибаларга таяниб, ходимларимиз Ҳомийлар ва шифокорлар йилида амалга ошириладиган дастурларнинг изчиллигини ва самарадорлигини таъминлашда ўзларининг бутун салоҳият ва малакаларини сарфлайдилар.

**Маҳмуджон ЎЛМАСОВ,**
**вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бошлиғи.**


## ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Тошкент вилоят адлия бошқармаси қуйида қайд этилган шаҳар ва туманларда ўрни бўш бўлган давлат нотариуси лавозимини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:**

1. Ангрен шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси *(3 та вакант ўрин);*
2. Бекобод туман давлат нотариал идораси нотариуси;
3. Янгийўл шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси.

***Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.***


# ОЛАМДА НИМА ГАП?

### *Гаитидаги сайловлар яна кечиктирилди*




Гаитида Президент ва парламент сайловини 8 январь куни ўтказиш мўлжалланганди, бироқ у кейинга қолдирилди. Бу президент ва парламент сайловининг тўртинчи бор кечиктирилиши. Бунга асосий сабаб ташкилий ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганидир. Эслатиб ўтамиз, Гаитида 2003 йилнинг февраль ойида давлат тўнтариши бўлган, Президент Жань Бертран Аристид ҳокимиятдан четлатилганди.

### *Тинчлик йўлидаги муҳим қадам*



Индонезиянинг Ачех вилоятида узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган тартибсизликларга чек қўйиладиган бўлди. 31 декабрь куни ҳукумат аскарларининг сўнгги қисми оролни бутунлай тарк этди. Жаҳон ҳамжамияти буни минтақада тинчлик ўрнатиш йўлида ташланган муҳим қадам сифатида баҳоламоқда.

Олиб борилган музокаралар самараси ўлароқ, ўтган йилнинг август ойида тинчлик битими имзоланган эди. Келишувга мувофиқ, йил охиригача ҳукумат кучлари босқичма-босқич тарзда Ачехни тарк этадилар.

Шу тариқа ҳукумат кучлари ўз ўрнини маҳаллий аҳолидан саралаб олинган йигирма мингдан ортиқ ҳарбийлар ва полициячиларга бўшатиб берди. Эндиликда Ачех вилоятининг хавфсизлиги тўла уларнинг зиммасида бўлади.

### *Европа қиш исканжасида*



Европани қаҳратон қиш исканжасига олди. Францияда об-ҳаво кескин пасайиб, ерларни қалин қор қоплади. Изғирин туфайли икки киши ҳаётдан кўз юмган, бир нечтаси бедарак йўқолган.

РАТА-ТАСС хабарларига қараганда, мамлакатнинг марказий ва шарқий ҳудудларида ҳаво ҳарорати минус 10 даражани ташкил этаётир. Қорнинг қалинлиги эса, ўн-ўн беш сантиметргача етмоқда.

Европа марказида жойлашган Польшада ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Ноқулай об-ҳаво туфайли мамлакат ичидаги шаҳарларни бир-бири билан боғловчи йўллар, шунингдек, қўшни Чехияга туташ йирик автомобиль йўли вақтинча ёпилди.

### *ИРОҚ: Нефть экспорти тўхтатилди*



Ироқда нефть экспорти тўхтаб қолди. Бунга Киркук нефтини Туркиянинг Жейхан бандаргоҳига олиб чиқувчи асосий қувурлардан бирининг портлаб кетиши сабаб бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, Ироқда "қора олтин" экспорти билан боғлиқ муаммонинг юзага келиши жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

РАТА-ТАСС хабарларига қараганда, фалокат туфайли Байжи шаҳридаги энг йирик нефтни қайта ишлаш заводига хомашё етказиб бериш тўхтатилган. Ҳозирча фалокат сабаблари аниқ эмас. Воқеа юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**ЎзА.**

# Хорижий сармояли «САНОАТҚАЛИНҚОҒОЗСАВДО» акциядорлик бирлашмаси бошқарув кенгаши ҳамда жамоаси

мамлакатимиз аҳлини, ўз ҳамкорларини қутлуғ ва файзли айём —

# Янги йил билан

самимий муборакбод этади.
Янги йил ҳар бир оилага бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, қут-барака олиб келсин!
Бугунги кунда корхона маҳсулотларига республикамиздан ташқари жаҳон бозорида, ҳамдўстлик давлатларида ҳам эҳтиёж катта.
Истагимиз, тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик доираси янада кенгаяверсин!
Бошланган йилимиз янги зафарлар ва муваффақиятларга бой бўлсин!



